

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Туйчиева Хаётхон Гапуржановна

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖнинг Назорат, ижро интизоми ва иш юритиш бўлими мутахассиси
Тошкент Кимё халқаро университетининг мустақил изланувчиси (PhD) номзоди

***Аннотация:** ушбу мақолада аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, янги таълим моделининг асосий зояларидан бири бўлган молиявий таълимнинг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Молиявий саводхонлик орқали ҳар бир инсон молиявий барқарорлик ва инсон фаровонлигини таъминлаши мумкинлиги. Ҳар бир шахс молиявий саводхонликка эга бўлиши, молия тўғрисида онгли равишда қарор қабул қилиши, қарзлар ва молиявий муаммоларни олдини олса у молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда келажакни қуриши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.*

Мақоланинг илмийлиги шунда-ки, молиявий саводхонликни ривожлантириш учун асосий тамойиллар ва кўникмаларни ўзлаштириш, шунингдек, ушбу соҳадаги таълимга эътибор бериш кераклиги акс этган. Ёшларни билимини оширишда фанлар интеграцияси орқали амалдаги дастур, дарсликларга молиявий саводхонлик йўналишини сингдиришдир.

***Калит сўзлар:** молиявий саводхонлик, халқаро тадқиқотлар, инвестициялар, компетенция, саводхонлик, баҳолаш, таҳлил, кичик бизнес даромади.*

ЗНАЧЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

Туйчиева Хаётхон Гапуржановна

Специалист отдела контроля, исполнительской дисциплины и делового администрирования ООО «Дирекция технологического парка программных продуктов и информационных технологий»

Независимый научный сотрудник (PhD) Кандидат Ташкентского международного университета химии

Аннотация: данная статья направлена на повышение финансовой грамотности населения путем обеспечения непрерывности финансового образования, что является одной из главных идей новой образовательной модели. Именно благодаря финансовой грамотности человек может обеспечить финансовую стабильность и благополучие человека. Было отмечено, что человек может обладать финансовой грамотностью, принимать осознанные решения о финансах, избегать долгов и финансовых проблем, он может строить свое будущее с учетом финансовых возможностей.

Научная сторона статьи отражает необходимость овладения основными принципами и навыками для развития финансовой грамотности, а также уделяния внимания образованию в этой области. Текущая программа посредством интеграции наук в повышение уровня знаний молодежи заключается в том, чтобы привить учебникам направление финансовой грамотности.

Ключевые слова: финансовая грамотность, международные исследования, инвестиции, компетентность, грамотность, оценка, анализ, доход малого бизнеса.

THE IMPORTANCE OF FINANCIAL LITERACY IN THE MODERN WORLD

Tuichieva Khayothon Gapurzhanova

Specialist, Department of Control, Executive Discipline and Business Administration,
LLC “Directorate of the Technological Park of Software Products and Information
Technologies”

Independent Researcher (PhD) Candidate, Tashkent International University of
Chemistry

Abstract: *in this article, the financial literacy of the population is increased based on the continuity of financial education based on the original idea of the new educational model. Everyone can achieve financial stability and human well-being through financial literacy. It has been proven that everyone can build their future based on their financial capabilities if they have financial literacy, if they make conscious decisions in financial matters, if they avoid debt and financial problems.*

The scientific feature of the article is that it reflects the need to master the basic principles and skills of developing financial literacy, as well as to pay attention to education in this area. The current program of educating young people through the integration of sciences is to include financial literacy in textbooks.

Keywords: *financial literacy, International Studies, investments, competence, literacy, assessment, analysis, small business income.*

Иқтисодий жараёнлар самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш, рақамли технологияда турли ахборот ресурсларидан фойдаланишга мослашишни тезлаштиришнинг муҳим омилларидан бири бу аҳолининг молиявий саводхонлигини таъминлашдир. Молиявий саводхонликнинг роли ҳар қандай инсон ҳаёт циклининг барча босқичларида

фаровонликни таъминлашда шахсий молиявий қарорларнинг аҳамияти ортиб бориши билан белгиланади ва унинг ҳаёти давомида "оддийдан мураккабгача" тамойили асосида шаклланади. Фақат бу ёндашув билан зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш мумкин. Бу йўналиш эрта ёшдан бошлаб молия соҳасида фойдали одатларнинг шаклланиши ўсиб, улғайганимизда ва молиявий мустақилликка эришганимизда кўплаб хатолардан қочишга ёрдам берадиган, шунингдек, ҳаёт давомида молиявий хавфсизлик ва фаровонлик учун асос яратади. Шу нуқтаи назардан, бу нафақат аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, балки янги таълим моделининг асосий ғояларидан бири бўлган молиявий таълимнинг узлуксизлигини таъминлашдан иборат бўлиб, у инновацион иқтисодиёт шароитида, шунингдек, унинг ҳаёти давомида ҳар қандай инсоннинг асосий поғонасидир.

Молиявий саводхонлик замонавий дунёда ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Бу бизга ўз маблағингимизни самарали бошқариш, молиявий режалаштиришнинг асосий тамойилларини тушуниш, шахсий молия, тадбиркорлик ва инвестициялар соҳасида онгли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Молиявий саводхонлик - бу инсоннинг ўз молиясини тушуниш ва бошқариш қобилиятидир. Бу бизга молиявий қарорлар қабул қилиш ва ўз маблағимизни самарали бошқариш имконини берувчи билим, кўникма ва қобилиятлар тўпламидир.

Ҳар бир инсонда молиявий саводхонликнинг асосий молиявий тушунчалар ва атамаларини тушуниш, ўз бюджетни тузиш ва назорат қилиш, SJIF:5.219

молиявий мақсадларни режалаштириш ва уларга эришиш қобилиятини, шунингдек кредитлар, инвестициялар ва суғурта тўғрисида қарор қабул қилиш қобилиятини ошириш зарурдир.

Молиявий саводхонликнинг асосий мақсади молиявий барқарорлик ва инсон фаровонлигини таъминлашидадир. Хар бир шахс молиявий саводхонликка эга бўлса, молия тўғрисида онгли равишда қарор қабул қилса, қарзлар ва молиявий муаммоларни олдини олса у молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда келажагини қуриши мумкин.

Молиявий саводхонлик бугунги дунёда муҳим масалалардан бўлиб, у хар биримизнинг ҳаётимизда катта роль ўйнайди. Бу саводхонлик инсонларга келажагида муваффақият қозониш, молиявий мустақилликка эришиш, нафақага чиқишни режалаштириш, ўзи ва оилалари учун молиявий хавфсизликни таъминлашга ёрдам беради.

Молиявий саводхонликни ривожлантириш бизнинг молиявий аҳволимизни яхшироқ тушунишга ва бошқаришга ёрдам берадиган муҳим жараёндир. Молиявий саводхонликни ривожлантиришга ёрдам берадиган ир неча усуллар мавжуд:

- молиявий саводхонликни ривожлантиришнинг энг самарали усулларида бири бу мавзу бўйича китоблар ва мақолаларни ўқишдир. Шахсий молия, инвестициялар, тадбиркорлик ва бошқа молиявий мавзулар бўйича ўқув китоблари бизга янги билим ва истиқболларни олишга ёрдам беради, шунингдек молиявий масалаларда танқидий фикрлашни ривожлантиради;

- молиявий семинарлар ва вебинарлар молия соҳасидаги мутахассислардан амалий билим ва маслаҳат олишнинг ажойиб усули ҳисобланади. Молия йўналишида янги тенденциялар ва стратегиялар билан танишиш, шунингдек саволлар бериб ўз фикрларингизни бошқа иштирокчилар билан муҳокама қилиш билимингизни ривожланишига катта ҳисса қўшади;
- интернет манбаларидан ишончли маълумотлардан фойдаланган ҳолда молиявий саводхонликка бағишланган, билимингизни чуқурлаштиришга ёрдам берадиган блоглар, видео дарсликлар, подкастлар ва бошқа материалларни ўрганишдир;
- молия соҳасида фаолият олиб бораётган экспертлар ва маслаҳатчилар билан доимий мулоқот қилиш жуда муҳим. Улар билан доим алоқада бўлиш, саволлар бериш, молиявий мақсадларингизни муҳокама қилиш ва молиянгизни бошқариш бўйича маслаҳатлар олишнинг бир йўли, сизга молия мутахассисларидан қимматли билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишга ёрдам беради.

Молиявий режалаштириш молиявий саводхонликнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Инсон ўз шахсий молиявий режасини тузишга ҳаракат қилиш, молиявий мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш учун стратегиясини ишлаб чиқиш керак. Бюджет тузиш билан шуғулланиш, ўз харажатлар ва даромадларини кузатиб бориш ва молиявий аҳволини мунтазам равишда кўриб чиқиш зарур.

Молиявий саводхонликни ривожлантириш учун вақт, куч ва ўз-ўзини тарбиялашни талаб қилади. Бироқ, доимий машғулотлар ва амалиётлар инсонга молиявий билим ва кўникмаларини ошириб бориши, яхшироқ қарорлар қабул қилишига ва молиявий муваффақиятга эришига олиб келади.

Молиявий саводхонликнинг яна бир муҳим бир омили бу таълимдаги олинган билимдир. Таълим одамлар ўртасида молиявий саводхонликни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Хар бир шахс мактаб поғонасидан бу саводхонликни ошириб борса, келажакда одамларга маълумотли молиявий қарорлар қабул қилишга ва ўз маблағларини самарали бошқаришга ёрдам берадиган зарур билим ва кўникмаларни беради.

Молия соҳасидаги таълим одамларда танқидий фикрлашни ҳам ривожлантиради. Бу уларга молиявий маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолашга, асосли қарорлар қабул қилишга ва молиявий фирибгарликдан қочишга ёрдам беради.

Таълим даргоҳида берилган молиявий саводхонлик инсонларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Бу инсонларда бизнес асосларини, тадбиркорликнинг молиявий жиҳатларини ва ўз бизнесида молияни тўғри бошқариш қобилиятини тушунишга ёрдам беради.

Бир сўз билан айтганда, таълим орқали олинган хар бир билим, кўникма аҳоли ўртасида молиявий саводхонликни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. У зарур билимларни беради, амалий кўникмаларни ривожлантиради ва танқидий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради, бу

одамларга онгли молиявий қарорлар қабул қилишга ва молиявий фаровонликка эришишга ёрдам беради.

Таклифим, аҳолини молиявий саводхонлигини ривожлантиришнинг яна бир йўли мактаб даргоҳидан бу йўналишни ёшларимизга сингдириб боришдир. Таълим соҳасидаги дастур, дарслик, ўқув қўлланмалар орқали фанларга интергация қилиш. Тўғри келган фанлар орқали дарслар жараёнида ёшларимизни онгига молиявий саводхонликни сингдириб боришнинг энг яхши усуллардан биридир. Мисол тариқасида математика дарсининг бир мавзусидан намуна:

9-синф алгебра дарслигидаги “ *Функция қийматини аргумент қийматига кўра топши, формулалар билан ишлаш*” мавзусида ёшларни бир вақтни ўзида математик ва молиявий саводхонлигини ошириш мумкинлиги кўрсатилган. Бунда ўтилаётган мавзунини мустахкамлаш учун “Кичик бизнес даромади” топшириғи орқали ўқувчиларни математик ва молиявий саводхонликни оширишга эга бўламиз (*“Кичик бизнес даромади” топшириғи Х.Туйчиева ва Н.Абидовалар муаллифлигида ишлаб чиқилган “Математик саводхонлик” топшириқлар тўпламида акс этган.*).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоиз-ки, замонавий дунёда молиявий саводхонликни ўрни жуда ҳам муҳим. Инсонларни онгли молиявий қарорлар қабул қилиш, шахсий маблағларини самарали бошқариш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш ва муваффақиятли инвестициялар киритиш имконини беради. Молиявий саводхонлик келажакни режалаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлашга ҳам ёрдам беради. Молиявий саводхонликни ривожлантириш учун асосий тамойиллар ва кўникмаларни

ўзлаштириш, шунингдек, ушбу соҳадаги таълимга эътибор бериш керак. Буларнинг барчаси инсонларга молиявий жихатдан хабардор бўлишга ва молиявий ишларида муваффақият қозонишга ҳамда мамалакатимизни ривожланишига катта ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 13 апрель “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони
4. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналиши” Ойбек Дўстмухаммедов. “Бозор, пул ва кредит” журнали, 12-сон, 2018 й.
5. Значимость повышения финансовой грамотности населения Узбекистана. Самар Абдурашидович Аликулов, Ильхом Имомалиевич Ризаев.
6. “Международная практика развития финансового образования и пути повышения финансовой грамотности в Узбекистане” Таджибаева Д.А. к.э.н., и.о. доцента кафедры «макроэкономика» национального университета Узбекистана.

7. “Значение финансовой грамотности для современного человека”
Раскина Ирина Аркадьевна. Журнал, “Наука и образование”.
8. Финансовая грамотность отчет по результатам международного исследования PISA-2018 Москва 2020. Федеральная служба по надзору в сфере образования и науки РОСОБРНАДЗОР.
9. “Цифровые технологии при повышении финансовой грамотности современной молодёжи” кандидат экономических наук, доцент Винникова Ирина Сергеевна Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Нижегородский государственный педагогический университет имени Козьмы Минина».